

Ш.А. Турсунов,
мустақил изланувчи,
М.Қ. Абдуллаев, ассистент, ТДИУ

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК НИНГ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

В статье рассматривается роль и значения АК «Узбектелеком» в развитии рынка телекоммуникационных услуг.

In the article discusses the role and significance of JSC "Uzbektelecom" in the development of the telecommunications services market.

Калитли сўзлар: телекоммуникация, хизматлар, оператор, компания, интернет, мобил алоқа.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида телекоммуникациялар бозори жаҳон ҳамжамияти талабларидан ва меъёрларидан келиб чиқиб такомиллашиб бормоқда. Телекоммуникациялар бозорининг мамлакат миқёсидаги ўрни, жумладан, «Ўзбектелеком» АК нинг бозордаги мавқеига ҳамда фаолиятини ривожлантириш борасидаги қилинаётган ишларга боғлиқ.

«Ўзбектелеком» АК ўз тармоғи билан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини қамраб олган йирик телекоммуникация оператори ҳисобланади. Ўзининг замонавий технологиялар негизда қурилган телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда, компания мутлақ ва мобил алоқа операторлари ва провайдерларига каналларни ижарага бериш, халқаро ва шаҳарлараро алоқа, товушли алоқа ва маълумотларни узатиш хизматларининг барча турлари, Интернет тармоғидан фойдаланиш, видеоконференцалоқа, CDMA стандартидаги мобил алоқа каби хизматларни кўрсатади, теле ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш учун каналларни ташкил этади.

«Ўзбектелеком» АК Ўзбекистон давлат идоралари ва муассасалари учун телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи етакчи компания ҳисобланади. Компания таркибида 22 та филиал фаолият юритади, улардан 14 таси ҳудудий, 8 таси ихтисослаштирилган филиал ҳисобланади ва 3 та шўъба корхонаси мавжуд. «Ўзбектелеком» АК турғун, шаҳарлараро ва халқаро алоқа, маълумотлар узатиш ва Интернет хизматларини кўрсатувчи саккизта қўшма корхоналарда ўз улушига эга. Телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш натижасида алоқа инфратузилмаси янада яхшиланмоқда. Бутун мамлакат бўйича туман марказлари миқёсида маънавий эскирган аналог телефон станциялари замонавий рақамли станцияларга алмаштирилди. Оптик-толали алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги рақамли каналлар яратилган, тармоқни кенгайтириш ва унинг ишончилигини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Яратилган инфратузилма симсиз технологияларни, хусусан, мобил алоқани тез суръатлар билан ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Натижада республика вилоятлари, туман марказлари ва

шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоғи билан қамраб олиш даражаси 100 %ни, қишлоқ аҳоли пунктларини телекоммуникация тармоғи билан қамраб олиш даражаси 96,4 %ни ташкил этди.

Компания мамлакатимизда телекоммуникациялар тизимига бўлаётган эътибор ва талаб натижасида жуда тезлик билан ривожланиб бормоқда. «Ўзбектелеком» АКнинг 2013 йилдаги умумий даромади 740 млрд. сўмни ташкил этган, 2012 йилда бу кўрсаткич 667,6 млрд.сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткични қарасак, ўтган йилга нисбатан 10,84 %га ошганини кўришимиз мумкин.



1-расм. 2013 йилда «Ўзбектелеком» АК нинг даромад миқдори
Манба: Муаллиф ишланмаси.

Аҳолига хизмат кўрсатиш натижасида олинган даромад эса 143,7 млрд.сўмни ташкил этди, бу кўрсаткич ўтган йил нисбатига 24,30% га ошган. Хизматларни экспорт қилиш ўтган йилга қараганда 1,64 марта ошган. Бошқа турдаги хизматлар кўрсатишдан олинган даромад 119,8 млрд. сўмни ташкил этган. Молиявий фаолиятдан олинган даромад эса 40,3 млрд. сўмни ташкил этган.

Фикримизча, компаниянинг бу қадар тезлик билан молиявий ривожланишига у кўрсатаётган замонавий хизмат турларининг шаклан ва миқдоран тез ортиб бораётганлиги, компаниянинг узлуксиз равишда телекоммуникациялар бозорида маркетинг ва молиявий таҳлил ўтказиб бораётганлиги ҳамда ушбу хизматларни компания раҳбарияти томонидан харидорлар талабларидан келиб чиқиб тез ва сифатли жорий этилаётганидир. Масалан, ҳозирда компания томонидан IDD calls, операторлар ёрдамида телефон қилиш (Operator assisted calls), халқаро кириш трафикни қайта ишлаш (Termination of incoming international traffic), коммутацияли транзит (Switched tranzit), канал сиғимларини ижарага бериш (Capacity lease), канал сиғимларини

сотиш (Capacity sales), ТВ узатишларини ташкил этиш (Occasional Use TV Services), маълумот узатиш (FR, X.25, IP), (Data transmission), ISDN уланиш (ISDN connection), HCDS (Home Country Direct Service), Call Back хизматлари, карточкалар орқали халқаро телефон алоқа ҳамда Интернет хизматлари олиш каби ўнлаб турдаги замонавий хизматлар жорий этилган ва уларни харидорларга тақдим этишнинг сифат кўрсаткичлари такомиллаштирилиб борилмоқда.

«Ўзбектелеком» АК нафақат Ўзбекистондаги корхоналар билан ҳамкорликдан ташқари, халқаро ҳамкорликни ҳам йўлга қўйди. Компания халқаро ҳамкорлиги қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- халқаро алоқа ташкилотлари билан ҳамкорлик;
- халқаро телекоммуникация лойиҳаларида иштирок этиш;
- алоқа хизматларини тақдим этадиган хорижий операторлар ва компаниялар билан, шунингдек, телекоммуникация ускунасини ишлаб чиқарадиган компаниялар ва фирмалар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик қилишдан иборат.

Компания ҳозирда телекоммуникация хизматлари бозорида маълум мавқега эга ва буни у эришган натижалар ҳам исботлайди. Масалан, компания ҳозирда «Интелсат» Халқаро сунъий йўлдош ташкилотига аъзоликка қабул қилинган. Натижада, Япония, Германия, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Италия, Корея, Покистон каби 9 та давлатлар билан тўғридан-тўғри халқаро каналларни ташкил этган. Шу билан бир қаторда, Япония, Германия, АҚШ, Туркия, Покистон ва Буюк Британия давлатлари орқали бошқа давлатларга чиқиш йўлга қўйилган.


Бугунги кунда компания халқаро ва шаҳарлараро миқёсда алоқа тармоғига эга. Халқаро миқёсда у, юқорида таъкидлаганимиздек, Япония, Германия, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Италия, Корея, Покистон, Хитой каби хорижий мамлакатлар билан, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Украина, Белоруссия, Тожикистон каби МДХ мамлакатлари билан алоқа тармоқларига эга. Халқаро телефон трафигининг ўтишини амалга ошириш учун 4 та халқаро коммутация марказлари (ХКМ) фаолият кўрсатмоқда ва 30 дан ортиқ хорижий операторлар билан тўғридан-тўғри шартномалар мавжуд. Мазкур операторлар орқали жаҳондаги барча мамлакатлар билан алоқа таъминланмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «Бепул халқаро чақирув» хизматини, олдиндан тўланган карточкалар бўйича, Direct Home Services хизматларини тақдим этади. Кирувчи трафик ҳажмларининг кўпайиши «Ўзбектелеком» АК нинг халқаро операторлар бозорида давом этаётган фаол иштирокидан далолат беради. Халқаро алоқани қуриш, янги технологияларга ўтиш ва халқаро каналлар миқдорининг ошиши схемасини оптималлаштириш бўйича хорижий операторлар билан фаол ишлаш натижасида кирувчи ва чиқувчи халқаро трафик ҳажмларининг ошиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сон қарори билан тасдиқланган 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастурига [1]


мувофиқ, «Ўзбектелеком» АК ҳудудий филиаллари ва корхоналарига йиллик даромад режаси белгиланган.

2013 йил якунига кўра видеотелефония хизмати бўйича 77,5 млн. сўм даромад олиш режалаштирилган бўлиб, амалда 192,8 млн. сўм даромад олинди ва режа 249 %га бажарилган.



2–расм. 2013 йилда видеотелефония хизматидан олинган даромад
Манба: Муаллиф ишланмаси.

IP TV хизмати бўйича 1 165 млн. сўм даромад олиш режалаштирилган бўлиб, амалда 1 167 млн. сўм даромад олинди ва режа 100 % га бажарилди.



3–расм. 2013 йилда IP TV хизмати бўйича олинган даромад
Манба: Муаллиф ишланмаси.

IPTV хизмати бўйича даромад ҳамда фойдаланувчилар сонини ошириш мақсадида 2013 йил ноябрь ойида 12.000 дана Set-Top-Box қурилмалари келтирилди ва филиалларга тарқатилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги ПҚ-1615-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ва ўтказиш тўғрисида”ги Фармонида [2] мувофиқ, “Ўзбектелеком” АК 2011 йилда бутун мамлакат бўйлаб “Ягона ойна” тамойили асосида хизмат кўрсатувчи 50 та, 2012 йилда 94 та савдо офисларини фойдаланишга топширди.



4-расм. “Ўзбектелеком” АК нинг савдо офислари сонининг ўсиш динамикаси (2013 йил)

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Жорий йил республикамиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида 11 та ва янги йил байрами арафасида 8 та савдо офислари фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда республика бўйича 163 та шинам ва қулай савдо офислар аҳолига турли телекоммуникация хизматларини тақдим этмоқда. Мазкур савдо офисларида 2013 йилда 36 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.



5-расм. xDSL ва FTTx технологиялари бўйича Интернет хизмати фойдаланувчилари сони (2013 йил)

Манба: Муаллиф ишланмаси.

2013 йил якуни бўйича xDSL ва FTTx технологиялари бўйича Интернет хизмати фойдаланувчилари сони 183.875 тани ташкил этди. 2012 йил якуни

бўйича абонентлар сони 111.811 тани ташкил этган бўлиб, ҳисобот даврида мижозлар сони 72 064 тага ортган. Абонентлар сонининг ўсиш суръати 165% ни ташкил этган.




6-расм. xDSL ва FTTx технологиялари бўйича олинган ўртача ойлик даромад (2013 йил)

Манба: Муаллиф ишланмаси.

2013 йилда xDSL ва FTTx технологиялари бўйича 50,0 млрд. сўм даромад олиш режалаштирилган бўлиб йил якуни бўйича ҳисобланган даромад 55,5 млрд. сўмни, режанинг бажарилиши 111% ни ташкил этди. Ўтган йилда ўртача ойлик даромад 2,59 млрд. сўм бўлиб, жорий йилда ушбу кўрсаткич 4,62 млрд. сўмга ошди ва ўсиш суръати 178% ни ташкил этди.

Ҳар бир мижоздан олинадиган ўртача ойлик даромад 34 000 сўм бўлиб, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 31 527 сўмни ташкил этган.



7-расм. 2013 йил якуни бўйича CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа хизмати фойдаланувчилари умумий сони

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041 сонли “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни янада ривожлантириш тўғрисида” ги Қарорини [3] амалга ошириш доирасида CDMA-450 мобил алоқа тармоғини ривожлантириш мақсадида 2012 йилда тармоқ қамраб олиш зонасини кенгайтириш ва EV-DO технологиясини татбиқ этиш бўйича ишлар олиб борилди. Бу лойиҳани амалга ошириш натижасида CDMA-450 мобил алоқа тармоғи билан 1 565 таянч аҳоли яшаш пунктлари қамраб олинди. Яъни бу аҳоли яшаш пунктларининг 71,3 %ини эгаллайди.

EV-DO (Evolution-Data Optimized) – CDMA стандарт мобил алоқа тармоқларида фойдаланиладиган маълумотлар узатиш технологияси. Бу 3,1 Мб/с. гача тезлик билан юқори тезликда уланишни таъминловчи учинчи авлод (3G) мобил алоқа тармоқлари технологияси.

2013 йил якуни бўйича CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа хизмати фойдаланувчилари умумий сони 334.811 та бўлиб, ушбу кўрсаткич 2012 йил якуни бўйича 193.229 тани ташкил этган. Ҳисобот даврида мижозлар сони 141.582 тага ортиб, ўсиш суръати 173% ни ташкил этди.



8-расм. 2013 йил якуни бўйича CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа хизматидан олинган ўртача ойлик даромад

Манба: Муаллиф ишланмаси.

2013 йилда CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа хизматидан 27,61 млрд. сўм. даромад олиш режалаштирилган бўлиб 2013 йилда ҳисобланган даромад 35,76 млрд. сўмни, режанинг бажарилиши 130 %ни ташкил этди.

Ўтган йилда ўртача ойлик даромад 1,36 млрд. сўм бўлиб, жорий йилда ушбу кўрсаткич 2,98 млрд. сўмга ошди ва ўсиш суръати 219 %ни ташкил этди. 2013 йилда ҳар бир мижоздан олинган ўртача ойлик даромад 11.007 сўм бўлиб, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 9950 сўмни ташкил этган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, «Ўзбектелеком» АК бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникация хизматлари бозорида етакчи мавқега эга. Компания замон ва макон талабларидан келиб чиқиб ўзининг хизматлари бозорини такомиллаштирмоқда ва ривожлантирмоқда. Таҳлилларимиз унинг молиявий салоҳияти кейинги йилларда кескин ошганлигини кўрсатади.

Эндиликдаги бош вазифалар – молиявий барқарорликни сақлаб қолиш, филиаллар ўртасида молиявий ҳисоботлар юритиш ва назорат этиш тизимини замон талаблари даражасида ташкил этиш ва тинимсиз янги технология ва хизмат турларини жорий этиб боришдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сон қарори билан тасдиқланган 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги ПҚ-1615-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041 сонли “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни янада ривожлантириш тўғрисида” ги Қарори.
4. “Ўзбектелеком” АК ҳисоботлари ва маълумотлари.